



МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ ОРГАНЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТИ ВА
МУҲОФАЗАСИ: МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Тўрабеков Отабек Ровшанхон ўғли

Мажбурий ижро бюроси Кадрлар бошқармаси
бош инспектори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21837093>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 27-iyul 2026 yil
Ma'qullandi: 29-iyul 2026 yil
Nashr qilindi: 31-iyul 2026 yil

KEYWORDS

Мажбурий ижро бюроси,
давлат ижрочиси,
ижтимоий таъминот,
моддий таъминот,
коррупциянинг олдини олиш,
меҳнатга ҳақ тўлаш,
ижтимоий кафолатлар,
прокуратура органлари,
давлат хизмати, ҳуқуқий
ислохот..

ABSTRACT

Мақолада Мажбурий ижро бюроси ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти тизимининг ҳуқуқий асослари, мазкур соҳадаги мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг хизмат фаолияти самарадорлиги ва коррупция хавфларига таъсири таҳлил қилинган. Амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилиб, ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий кафолатлар, уй-жой билан таъминлаш, хизмат юки, моддий рағбатлантириш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя соҳасидаги мавжуд камчиликлар аниқланган. Шунингдек, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Мажбурий ижро бюроси фаолиятидаги ходимларининг ижтимоий таъминот тизимини ташкил этишдаги муаммолар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, прокуратура органларида коррупциявий ҳолатларни юзага келтирувчи омилларни, иш унумдорлигини оширишга тўсиқ бўлаётган, манфаатлар тўқнашувини юзага келтираётган вазиятларни таҳлил қилишимиз лозим.

Барчамизга маълумки, 2024 йилнинг 1 январидида “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1-сонли Президент фармони қабул қилиниб, унда **суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишни таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида қарздордан ундирилган ижро йиғимининг бир қисмини давлат ижрочиларига ажратма сифатида қолдириш орқали моддий рағбатлантириш тизимини жорий этиш устувор вазфалардан бири этиб белгиланди.**

Ўз навбатида биз ушбу ҳуқуқий муаммоларни йўналишларга ажратган ҳолда кўриб чиқадиган бўлсак, биринчидан, прокуратура органлари тизимида номзодларни дастлабки хизматга қабул қилиш, уларга қўйилган талаблар каби ҳолатларга тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокуратура органларидаги барча муносабатлар тартибга солинмаган. Жумладан, прокуратура

органларида кадрларни танлаш, тайинлаш, хизматни ўташ тартиби каби ҳолатлар белгиланмаган бўлиб, бу масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил

12 сентябрдаги ПҚ-2036-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги низом¹ билан тартибга солинади. Шунингдек, **Мажбурий ижро бюроси** ходимларининг хизмати ҳам мазкур Низом ҳамда 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон қарори билан тасдиқланган низомлар² билан, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимларининг хизмати эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли фармон³ билан тартибга солинади.

Ҳозирги даврда ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида яхши шароитда яшашга, ўзи ва оиласини ҳар томонлама яхши бўлган шароит билан таъминлашга ҳаракат қилиши табиий. Албатта, буларнинг барчаси фуқароларнинг моддий таъминотига бориб тақалади. **Кейинги коррупциявий ҳолатларни юзага келтириши мумкин бўлган ҳолатлардан бири бу — Бюро органлари ходимларининг моддий таъминоти масаласи ҳисобланади.**

Прокуратура органлари ходимлари ўз хизмат бурчларини амалга оширишлари давомида, фақатгина илмий педагогик ва ижодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин⁴. Шунингдек, прокуратура органлари ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар⁵ ва ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишлари таъқиқланади⁶.

Демак, прокуратура органлари ходимлари ўз фаолиятлари давомида илмий, педагогик каби машғулотлардан ташқари бошқа даромад келтириши мумкин бўлган (тадбиркорлик, бирор-бир корхонада юристлик ва бошқалар) фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкин эмас экан. Уларнинг моддий таъминоти прокуратура органларида хизмат фаолияти давомида **оладиган иш ҳақиларидан иборат**. Бизнинг фикримизга, прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи, ижтимоий ҳимояси, ижтимоий кафолатлари, ижтимоий таъминоти каби масалалар ҳар бири қонун билан тартибга солиниши ва бу тартиб бошқа мансабдор шахсларга, давлат бошқаруви органларига шубҳали ва ассосииз боғлиқлигини ва тобелигини юзага келтирмаслиги лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПФ-2036-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3016-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 425-модда, 25-сон, 531-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисида”ги Низом 23.05.2018 // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (43-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/21/683/0375-сон.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (5-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/21/683/0375-сон.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (5-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/21/683/0375-сон.

Прокуратура органлари ходимларининг моддий таъминоти уларнинг бошқа ҳокимият субъектларидан мустақил бўлишларининг ҳамда ушбу тизимда коррупцион ҳолатларни олдини олишнинг зарур кафолати ҳисобланади. Яъни, агар ходимларнинг иш ҳақилари уларнинг оилавий эҳтиёжларини қопламаса, улар оилавий шароитларини яхшилаш мақсадида ўзларига таклиф қилинган порани рад қилиш ўрнига уни қабул қилишлари мумкин.

Америкалик олим **Ангела Девис** бу борада қуйидагича фикр билдиради: “Прокурорнинг иқтисодий жиҳатдан қарамлиги ҳамда тўлиқ таъминланмаганлиги унинг мустақиллигига жиддий путур етказди.

Агар прокурорлар иқтисодий мустақил бўлмасалар, улар жиноят ишини юритиш давомида ушбу ишни адолатли ва қонуний ҳал қилишни эмас, ушбу ишдан қандай “фойда кўриш”ни уйлашлари мумкин”⁷.

Қонунчилигимизга биноан, прокуратура органлари ходимларининг пул таъминоти мансаб маоши, даражали унвон (ҳарбий унвон) учун ҳар ойлик қўшимча тўловлар, кўп йиллик хизмат учун тўланадиган устамалардан ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат⁸.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йилдаги 5019-сон фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига прокуратура органларининг юқори малакали ва ташаббускор, шунингдек, техник ва ёрдамчи ходимларига прокуратура органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан прокуратура органларида амалда бўлган барча тўловларни сақлаган ҳолда қонун ҳужжатларида ўрнатилган рағбатлантирувчи қўшимча тўловлар ва устамаларни ҳисоблашда ҳам ҳисобга олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдорда ойлик шахсий устамалар белгилаш ваколати берилган.

Ушбу илмий ишимизни ўрганиш давомида Бюро органлари ходимлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига асосан кўплаб респондент коррупцияни олдини олишга тўсиқ бўлаётган омил сифатида иш ҳақининг кам эканлигини белгиллаган. Баъзи ҳолатларда айрим ходимларга бериладиган иш ҳақи миқдори улурнинг бир ойлик эҳтиёжларини қопламаслиги ҳам мумкин. Иш ҳажмининг кўп эканлигига қарамасдан, ойлик маошлар улар бажараётган ишга мутаносиб эмас.

Бюро органлари ходимлари орасида коррупцияни олдини олишда, уларнинг моддий таъминоти масаласи, яъни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мустақил бўлишлари жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки, прокуратура органларида хизмат қилаётган деярли ҳар бир ходимнинг қарамоғида аёли ва фарзандлари бор. Уларнинг яхши шароитларда яшаши, сифатли таълим олиши каби масалалар унинг зиммасида бўлади.

Бизнинг фикримизча, Бюро органларида коррупцияни олдини олиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадидда тизим ходимларининг моддий таъминоти қонуности ҳужжатлари, президент фармонлари билан эмас, асосий қонун билан

⁷ Angela J. Davis. “The American PR The American Prosecutor: Independence, Power, and the Threat of Tyranny. American University Washington College of Law”. -W., -P. 443

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПФ-2036-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом.

тартибга солиниши, улар бажараётган вазифа ва мажбуриятларга мутаносиб бўлиши, моддий жиҳатдан рағбатлантириш меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам ва энг кўп миқдори орқали белгилаб қўйиш лозим.

Бюро органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш мақсадида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 50-моддасида уларнинг ойлик маошлари бажараётган вазифа ва мажбуриятларига мутаносиб бўлиши, иш ҳақи миқдори қандай устама ва фоизлардан ташкил топиши ҳамда ҳизматдан ташқари бажарган ишлари учун қўшимча иш ҳақи белгиланиши лозимлиги мустаҳкамланиши керак. Шу билан биргаликда, прокуратура органлари ходимларининг моддий таъминотини янада яхшилаш, коррупциявий омилларни минималлаштириш мақсадида алоҳида меҳнат шароитлари учун ҳар ойлик устама миқдори вилоят прокуратуралари учун белгиланиши таклиф қилинмоқда. Ундан ташқари, прокуратура органлари ходимларининг илмий фаолият билан шуғулланишлари уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга хизмат қиладиган. Уларнинг илмий фаолият билан шуғулланишлари моддий рағбатлантириш мақсадида илмий даражага эга бўлган ходимлар учун қўшиладиган ҳар ойлик устамаларни 50% этиб таклифи илгари сурилмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳозирги кунга келиб мажбурий ижро бюроси органлари ходимларининг ижтимоий таъминот тизимини, шу билан бирга ҳозирги кунда ижро соҳасидаги муҳим бўлган ва янги ислохотларни амалга оширишни талаб қиладиган йўналишлардан бири ҳисобланади. Мулкий муносабатларнинг ва ижро соҳасининг такомиллашиши ҳамда рақамлаштириши ушбу соҳадаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларни, уларнинг қўлланилишини яна бир бор чуқур ўрганишни талаб қилмоқда.

Тадқиқот иши натижасида қуйидаги **илмий-назарий, амалий ташкилий ва миллий қонунчилик базасини такомиллаштиришга оид таклифлар** ишлаб чиқилди:

Биринчидан, ўтказилган сўровномалар ўрганиб чиқилганда, Бюро органларида 2025 йил 1 январ ҳолатида бюро органларида хизмат қиладиган тезкор ходимларнинг **680 тасининг** уй-жойга эҳтиёжи борлиги аниқланган. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида”ги 04.07.2022 йилдаги 354-сонли қароридан нусха олган ҳолда **Имтиёзли шартларда ипотека кредитлари асосида турар жой сотиб олиш (қуриш) учун дастлабки бадал ажратиш.**

Унга кўра, прокуратура органларида беш йилдан ортиқ хизмат қилган, хизматда самарали натижаларга эришган ва уй-жой билан таъминланмаган ёки турар жой шароитларини яхшилаш ҳуқуқига эга бўлган ходимларга имтиёзли шартларда ипотека кредитлари асосида турар жой сотиб олиш (қуриш) учун дастлабки бадал ажратиш тартибларини жорий этиш. Ходимларга ипотека кредитлари асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг **25 фоизи**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **400 бараваридан ошмайдиган дастлабки бадал пули** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўлаб бериш тартибини жорий этиш.

Дастлабки бадални қайтариш ходим ва унинг оила аъзолари томонидан қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкинлигини белгилаб ўтиш: пул таъминоти ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар ва бошқа даромадлар ҳисобига нақд бўлмаган шаклда пул ўтказиш; нақд пул маблағлари тўлаш; пластик карталардан ва ходимнинг тижорат банкларидаги омонатлари бўйича ҳисоб рақамларидан нақд бўлмаган шаклда пул маблағлари ўтказишни ҳам белгилаб ўтиш лозим.

Иккинчидан, Бюро органлари ходимлари *фарзандларининг Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясига ўқишга кириши учун тавсиянома бериш* тартибини жорий этиш. Чунки ўрганилганда, Бюро тизимида фаолият юритаётган жами **3477 нафар тезкор ходимнинг 317 та** 2007-2008 йилларда туғилган (яъни, келадиган ўқув йилида олий таълим муассасасига ўқиш учун ҳужжат топшириш ҳуқуқига эга бўладиган) фарзандлари мавжудлиги аниқланган.

Шу сабабли, Мажбурий ижро бюроси органларининг тезкор ходимларининг фарзандларига Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг бакалавриатига (иккинчи таълимдан ташқари) ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Учинчидан, ижро ҳаракатларини амалга ошириш пайтида ва жараёнида **2022 йилда жами 45 та, 2023 йилда 55 та, 2024 йилда эса 46 та** ҳолатда Бюро ходимларига нисбатан қаршилик кўрсатилган ҳолатлар аниқланган бўлиб, мазкур даврлар мобайнида жами **84 та жиноят иши** қўзғатилган. Аслида эса, Мажбурий ижро бюроси ходимларининг ўз вазифаларини бажариш чоғида деярли ҳар куни турли хил қаршиликларга дуч келиши ҳеч кимга сир эмас.

Шу сабабли, давлат ижрочиларига ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида махсус (маҳкама) формали кийим-бошдан фойдаланиш имконини бериш таклифини киритиб ўтмоқчимиз. Чунки мазкур тартибнинг жорий қилиниши фуқароларда Бюро органи ходимларига нисбатан ҳурмат хиссини ошишига ва қаршиликларнинг кескин камайишига сабаб булади. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 25 мартдаги 265-сон буйруғи билан тасдиқланган “Прокуратура органлари ходимларининг формали кийим-бош кийиб юриши тартиби”нинг 1-боб 4-бандига қуйидаги мазмундаги иккинчи қисмни қўшиш таклифини билдириб ўтмоқчимиз:

махсус (маҳкама) формали кийим-бош - давлат ижрочилари томонидан хизмат вазифаларини бажариш жараёнларида ҳудудий бошқармаларни хабардор қилган ҳолатда.

Тўртинчидан, прокуратура органларининг моддий ва ижтимоий таъминоти масаларини қонуний асосда белгилаб бериш, яъни ««Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 29.08.2001 йилдаги 257-II-сонли Қонунининг 50-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Прокуратура органлари ходимларининг умумий иш ҳақи миқдори қуйидагилардан ташкил топган: Мансаб моши. Прокуратура органлари ходимларининг мансаб моши миқдори вазифа ва мажбуриятларининг аҳамиятига, ҳажмига мутаносиб бўлиши кафолатланади.

устама ҳақлардан: даражали унвон, кўп йиллик меҳнати ва алоҳида меҳнат шароити учун.

рағбатлантирувчи тўловлардан: илмий даража учун фоиизли устама, фаолиятидаги ютуқлар учун мукофот, чет тилларини билгани учун; йил давомида меҳнат натижаларига кўра моддий рағбатлантириш;

давлат мукофотлари; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тўловлардан.

Прокуратура органи ходими дам олиш кунлари, байрам кунлари ва иш вақтидан ташқари бажарган ишлари учун қўшимча иш ҳақи билан таъминланади.

Прокуратура органи ходимининг ўз хизмат вазифасини бажариш давомида иш ҳақи миқдорининг камайтирилиши тақиқланади.

Даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органларининг ходимлари белгиланган меъёрлар бўйича бепул хизмат кийими билан таъминланади.

Прокуратура органлари ходимларига давомийлиги ўттиз календарь кундан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилади. Ўн йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига давомийлиги беш календарь кун, ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга давомийлиги ўн календарь кун, йигирма йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса давомийлиги ўн беш календарь кун қўшимча таътил берилади».

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.05.2017 йилдаги 3016-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига асосан Мажбурий ижро бюроси **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ходимларининг** Катта: суриштирувчи, тафтишчи, инспектор ҳамда суриштирувчи, инспекторларнинг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари муқобил равишда 13 ва 12 разрядларни, аммо, Бюронинг шаҳарлар, Тошкент шаҳар туманлари ва туманлараро бўлимлари ходимларининг яъни, давлат ижрочисиники 14 разрядни ташкил этади.

Бу эса лавозим жиҳатдан ҳудудий бошқармалардаги инспектор ва суриштирувчиларнинг давлат ижрочисидан юқорироқ бўлсада, ойлик маошининг камлигини англатади.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон қарорига 7-иловасидаги Мажбурий ижро бюроси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари **инспектор ҳамда суриштирувчиларнинг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларини 12 дан 14 га кўтариш таклифини билдирамиз.**

Олтинчидан, статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2024 йилда 8,8 млнга ижро ҳужжати келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 2,5 млнга ёки 40 фоизга ўсди. Амалдаги тартиб, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 10.03.2011 йилда рўйхатдан ўтган 2207-сонли “Суд ижрочиларининг иш ҳажми меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан бир нафар давлат ижрочисига бир ойда 19 та, бир йилда эса 227 та ижро ҳужжатларининг ижросини

таъминлаш имконияти мавжудлиги белгиланган. Бугунги кунда эса бир нафар давлат ижрочиси бир ойда ўртача 261 та ҳужжат ижросини таъминламоқда.

Шу сабабли, давлат ижрочиларининг иш ҳажмини камайтириш борасидаги ислохотларни амалга ошириб, асосан маъмурий маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар ижросини тўлақонли таъминлашни ўз зиммасларига қолдириш, бу орқали уларга айрим мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш ваколатини бериш лозим деб ўйлайман. Чунки ҳозирги кунда уларнинг салмоғи йилдан йилга ошиб, иш ҳажмини кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқот натижалари Мажбурий ижро бюроси ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти соҳасидаги амалдаги ҳуқуқий механизмлар уларнинг хизмат фаолияти хусусияти ҳамда юклатилган вазифаларга тўлиқ мос келмаслигини кўрсатди. Айниқса, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий кафолатлар, уй-жой билан таъминлаш, хизмат юкига мутаносиб моддий рағбатлантириш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя масалаларида қонунчиликда муайян бўшлиқлар сақланиб қолмоқда. Бу эса ходимларнинг ижтимоий ҳимоя даражасига, хизмат самарадорлигига ҳамда коррупциявий хавфларнинг юзага келиш эҳтимолига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу муносабат билан прокуратура органлари ва Мажбурий ижро бюроси ходимларининг моддий ҳамда ижтимоий таъминотига оид муносабатларни қонуности ҳужжатлари эмас, балки қонун даражасида комплекс тартибга солиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий кафолатларни хизмат вазифаларининг мураккаблиги ҳамда масъулиятига мутаносиб равишда такомиллаштириш, ходимларни уй-жой билан таъминлаш, уларни ҳуқуқий ва моддий рағбатлантиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, давлат ижрочиларининг хизмат фаолияти учун муносиб шарт-шароитларни яратиш, уларнинг меҳнат юкини оптималлаштириш ҳамда ижро жараёнида хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш мажбурий ижро тизими самарадорлигини ошириш, суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш сифатини яхшилаш ва коррупциявий омилларни минималлаштиришга хизмат қилади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 258-II-сон Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2001, 9–10-сон, 7,8,73-модда. <https://lex.uz/docs/26477#4457275>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2024 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-1-сон Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.01.2024 й., 06/24/1/0001-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш тартиби ҳамда шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, 08.05.2009 йилдаги 132-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПФ-2036-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-3016-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 425-модда, 25-сон, 531-модда
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисида”ги Низом 23.05.2018 // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (43-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/21/683/0375-сон.
8. Angela J. Davis. “The American PR The American Prosecutor: Independence, Power, and the Threat of Tyranny. American University Washington College of Law”. -W., -P. 443
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПФ-2036-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом.

INNOVATIVE
ACADEMY